

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 330.115+658.114.1(575.1)

**РИХСИМБОВ ОДИЛЖОН ҚОБИЛЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК ВА  
ЎРТА БИЗНЕСНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ  
ЭКОНОМЕТРИК БАШОРАТЛАШ**

08.00.06 - «Эконометрика ва статистика» ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий  
даражасини олиш учун диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент - 2002

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг  
«Иқтисодий кибернетика» кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар:

иқтисод фанлари доктори  
Б.Бегалов

Расмий оппонентлар:

иқтисод фанлари доктори,  
профессор Х.Набиев  
иқтисод фанлари номзоди,  
доцент О.Кенжабоев

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитаси  
қошидаги Бозор ислохотларини чуқурлаштириш илмий тадқиқот институти.

Диссертация иши ҳимояси «13» 11/04 2002 йил соат 9<sup>00</sup> да  
Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисод фанлари доктори  
илмий даражаси ҳимояси бўйича ихтисослаштирилган Д.067.06.01 кенгаш  
мажлисида ўтказилади.

Манзил: 700003, Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49 уй.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ку-  
тубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2002 йилнинг «12» 11/04 да тарқатилди.

Ихтисослаштирилган кенгаш  
илмий котибаси, иқтисод  
фанлари доктори, профессор

М.С.Қосимова

## Илмий ишнинг умумий тавсифи

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.** Ўзбекистонда давлат мулкани хусийлаштириш ҳамда фуқароларнинг ўз ташаббуси билан хусусий корхоналар ташкил этилиши натижасида республикада кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси шаклланишда ва унинг миллий ЯИИМдаги салмоғи ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, унинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш<sup>1</sup>, айти вақтда унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки шу билан бирга аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари ортишида муҳим омилга айланишига эришиш, давлат бошқарув органлари, ижтимоий тузилмалар диққат марказидаги асосий вазифа эканлигини доимо таъкидлаб келмоқдалар<sup>2</sup>.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ҳал этиш ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фаолият кўрсатиши ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини таҳлил қилиш ҳамда истикболдаги ўзгариши ҳақида илмий асосланган иқтисодий ахборотлар мавжуд бўлишини талаб этади.

Ҳозирги вақтда республикада кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техника таъминоти ҳамда кредитлар ажратиш йўналишлари бўйича мониторинг жорий этилган, улар ҳақида маълумотлар мунтазам умумлаштирилиб борилмоқда. Аммо, кичик ва ўрта корхоналар фаолияти самарадорлигини ўрганиш ва уларнинг истикболдаги ривожланишини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда математик моделлаштириш асосида тадқиқ қилиш йўналишида илмий ишлар етарли эмас. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, корхоналарнинг бозор муҳитида фаолият кўрсатиши ва уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўзида ифодаловчи эконометрик моделлаштириш усулларини ва шу асосида эконометрик моделлар туркумини ишлаб чиқиш муҳим ва долзарб илмий тадқиқотлар қаторига киряди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳўжалик юритиш субъектларининг фаолиятини эконометрик моделлаштириш муаммоларига кўпгина чет эллик иқтисодчи-олимларнинг илмий ишлари бағишланган. Улардан Г.Клейнер, Э.Кейн, Э.Маленво, Р.Пиндайк, Й.Шумпетер, Ф.Фишер ва бошқа олимларнинг илмий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

<sup>1</sup> Президент Ислам Каримовнинг иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаси. «Халқ сўзи», 23 январ 2000.

<sup>2</sup> Президент И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасида «2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг яқунлари ва 2001 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг устивор йўналишлари» га бағишланган мажлисдаги маърузаси. «Халқ сўзи», 17 феврал 2001

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, унинг кичик ва ўрта бизнес шакли корхоналарининг фаолият кўрсатиш механизмларини яратишнинг илмий ва амалий муаммолари И.Каримов, С.Фуломов, М.Шарифхўжаев, О.Хикматов, Д.Аҳмедов, Б.Беркинов, Н.Тўхлиев, Б.Ҳодиев ва бошқа олимлар ишларида кенг ёритилган.

Иқтисодий-математик моделлаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни миллий иқтисод тармоқлари ва корхоналарига жорий этиш муаммолари В.Қобулов, С.Фуломов, А.Абдуғаффоров, Р.Алимов, Н.Маҳмудов, Г.Назарова, Б.Ҳодиев, К.Сафаева, Т.Шодиев, М.Ирматов, И.Улашов ва бошқа олимлар илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

Шунга қарамай, кичик ва ўрта бизнес ривожланиши ва ушбу соҳа корхоналари фаолиятини эконометрик моделлаштиришнинг илмий-услубий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Айниқса, бозор рақобати шароитида кичик ва ўрта корхоналарда ишлаб чиқариш, меҳнат ва моддий ресурсларнинг оптимал миқдорини моделлаштириш, кичик ва ўрта бизнеснинг устивор йўналишларини башоратлаш бўйича илмий ишланмалар етарли даражада амалга оширилмаган. Ушбу йўналишларда тадқиқотлар ўтказиш диссертация ишининг мақсади ва вазифалари доирасини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг устивор йўналишларини эконометрик моделлаштиришнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг истиқболини башоратлашдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун диссертацияда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилган:

- хусусий тадбиркорлик ва унинг кичик ва ўрта бизнес шаклининг вужудга келиши, ривожланишининг илмий-услубий ҳамда иқтисодий асосларини тадқиқ қилиш;

- кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фаолияти самарадорлигини ошириш масалаларини ва уларни моделлаштириш услубларини асослаш;

- кичик корхоналарда оптимал ишлаб чиқариш ҳажми ва унга мос ресурслардан фойдаланишнинг эконометрик моделларини ишлаб чиқиш;

- кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг ҳозирги аҳволини баҳолаш, унинг истиқболли йўналишларини башоратлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтишда кичик ва ўрта бизнесда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ва уларни эконометрик моделлаштириш жараёнларининг назарий ва амалий масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти. Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодининг турли тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари тадқиқот объекти қилиб олинди.

**Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикаси Қонунилари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича қабул қилинган метъерий ҳужжатлар, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бўйича таклиф ва кўрсатмалари, чет эл ва мамлакатимиз олимларининг тадбиркорлик соҳасида қўллаётган услублари ташкил этади.**

**Илмий ишнинг ахборот манбаини Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, муаллиф ўтказган кузатувлар ҳамда даврий матбуотда эълон қилинган статистик маълумотлар ташкил этади.**

**Тадқиқотлар жараёнида тизимли таҳлил, эконометрик моделлаштириш, математик ва иқтисодий статистика усулларидан кенг фойдаланилган.**

**Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнеснинг шаклланиш муҳити ўрганилган ва уни фаоллаштирувчи омиллар асосланган;

- миллий иқтисоднинг турли тармоқлари ва секторларида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ривожланишини эконометрик моделлаштириш усуллари асосланган;

- кичик ва ўрта бизнес корхоналарида тадбиркорлик муҳити ва бозор ўзгарувчиларини ўзида ифода этувчи ишлаб чиқариш ва ресурслардан фойдаланишнинг оптимал ҳажмларининг эконометрик моделлари тизими ишлаб чиқилган;

- Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг устивор йўналишлари эконометрик моделлар асосида башорат қилинган ва уларни амалга ошириш учун амалий чора-тадбирлар таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти бўлиб, ишлаб чиқилган эконометрик моделлар туркуми ёрдамида мамлакатимизнинг турли хил тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодий самарадорлигини таҳлил, қилиш ҳамда маркетинг тадқиқотлари ўтказишнинг компьютер тизимларини ишлаб чиқишда, уларнинг ахборотлар базаларини яратишда фойдаланиш мумкин.**

**Диссертацияда асосланган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ривожланиши истикболлари башорати кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида тадқиқ этиш учун тавсия қилиш мумкин.**

**Илмий тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш.** Диссертация ишининг асосий қоидалари ва натижалари Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Тошкент давлат аграр университети, Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий семинарларида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Диссертация мазмуни бўйича тадқиқотчи томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университетиде ўтказилган илмий-амалий анжуманларда синовдан**

ўтказилган. Диссертация иши натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш кўмитасига баённома берилган ва уларни тадбир этиш тўғрисида далолатнома олинган.

Илмий ишда қўтарилаётган муаммолар бўйича иқтисодий журналларда 6 та мақола ва илмий конференцияларда 2 та илмий маърузаларнинг тезислари чоп этилган бўлиб, уларнинг умумий ҳажми 4,5 б.т. дан иборатдир.

**Диссертация ишининг таркибий тузилиши.** Илмий ишда қўйилган мақсад ва вазифалар тадқиқотнинг йўналишини аниқлаб берган ва диссертация таркибида ўз аксини топган. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, унинг илмий янгилиги ҳамда амалий аҳамияти ёритилган.

**Биринчи боб - «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг илмий-услубий асослари»** деб номланиб, унда бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнесни шаклланишининг ижтимоий-иқтисодий асослари тадқиқ қилинган, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик шакллариининг турлари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг фаолият кўрсатиш механизми, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш устивор йўналишлари ва масалалари ёритилган.

**Иккинчи боб - «Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини эконометрик моделлаштиришнинг услубий асослари»** деб номланиб, унда бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини таҳлил этишда қўлланиладиган иқтисодий-математик услублар ва ушбу моделларни тузиш тамойиллари, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида фойда, харажатлар ва оптимал ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштириш, кичик ва ўрта бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш ресурслари, ишчи кучи ва асосий фондларни оптимал микдорини моделлаштириш ҳамда кичик ва ўрта бизнес корхоналарида стратегик қарорлар қабул қилиш усуллари ёритилган.

**Учинчи боб - «Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг устивор йўналишлари ва истикболининг башорати»** деб номланиб, унда бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнеснинг ҳозирги тараққиёти ва истикболи масалалари, кичик ва ўрта бизнес корхоналари маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, кичик ва ўрта бизнес устивор йўналишларини эконометрик башоратлаш моделлари, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар ва уларнинг самарасини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

Амалга оширилган илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган хулосалар ва тавсиялар илмий ишнинг якуний қисмида ифодаланган.

## Тадқиқотнинг асосий мазмуни

Бутун дунёда бозор иқтисодиёти механизми тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ўз самарасини ифода этмоқда. Бозор механизмнинг самарали фаолият кўрсатиши учун хусусий мулкчилик, рақобат ва тадбиркорлик муҳити мавжуд бўлиши керак.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда Ўзбекистонда мулк муносабатларини ислоҳ қилиш, тадбиркорлик муҳитини яратишнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асослари тадқиқ қилинган ва эришилган натижалар илмий нуқтаи назардан умумлаштирилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши билан мамлакат Президентимиз И.Каримов хусусий тадбиркорлик ва унинг кичик ва ўрта бизнес шаклини ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратди. Натижада республикада қисқа вақт ичида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими шакллантирилди. Биринчи навбатда бу тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояловчи ҳуқуқий асос бўлса, иккинчидан, уларнинг қисқа ва узоқ муддатли кредит ресурсларига эга бўлиши, имтиёзли солиқларни белгиланиши, молиявий, ижтимоий, бозор инфратузилмаларидан фойдаланишларига имкониятлар яратилди. Бу эса ушбу секторда фаолият кўрсатаётган барча хусусий корхоналарнинг ривожланишига яқиндан ёрдам берди, рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шаклланишини тезлаштирди.

Шу билан бирга республикада миллий иқтисодни янада эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш дастурини қабул қилиниши кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда уни иқтисодиётда етакчи ўринга олиб чиқиш устивор вазифа қилиб қўйилди. Республика Президенти И.Каримов: «Биз ўз олдимизга кичик, ўрта ва хусусий бизнесни фақат ички ялпи маҳсулотни ишлаб чиқаришда юқори ўринни эгаллашига эришишимиз, балки аҳоли фаровонлиги ва даромадларини ўсиши, айниқса кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларида бандлик муаммосининг муҳим манбаи бўлиши кераклиги ҳақидаги вазифани кўямиз»<sup>3</sup>, - деб алоҳида таъкидлаган.

Бундай вазифани амалга ошириш учун ҳаракатдаги қонунчилик ҳужжатларига тегишли қўшимчалар киритилди, кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш тизимлари такомиллаштирилди ва тадбиркорлар эркинлигини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Шулар туфайли ҳозирги кунда республика иқтисодиётида хусусий мулк шаклидаги ҳўжалик юритувчи нодавлат корхоналари асосий ўрин тутмоқда. Яъни, 2001 йилда республика бўйича рўйхатга олинган корхоналарнинг 201,9 минги ёки 90,5 фоизи кичик, ўрта корхоналар ва микрофирмалардир. Улар-

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ислохотлар ва инвестициялар бўйича ишоралараро мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғинишида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи». 2 феврал 2000 й.


нинг шу йилга ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,8 фоизни, шундан кичик ва ўрта корхоналар улуши эса 14,8 фоизни ташкил этди ва бу ўтган 2000 йилга нисбатан мос равишда 2,8 ва 1,7 пунктга кўпдир<sup>4</sup>. Шу билан бирга кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик соҳасида банд аҳолининг сони ҳам мунтазам ўсиб бормокда. Бу кўрсаткич республика бўйича 2001 йилда 53,4 фоизни ташкил этиб, 2000 йил бошига нисбатан 7,1 пунктга юқоридир. Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам мунтазам ўсиб бормокда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши ҳали талаб даражасида эмас. Бунинг учун бизнинг фикримизча, давлат томонидан олиб борилаётган тадбиркорлик муҳитини фаоллаштириш билан бирга кичик ва ўрта корхоналар фаолиятини бозор шароитига мослашувини тезлаштириш ҳамда республикада макроиқтисодий қарорлар қабул қилиш учун кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг устивор йўналишлари ўзгаришини башоратларини амалга ошириш лозим. Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолияти самарадорлигини белгиловчи асосий омиллар таҳлил қилинган ва уларнинг бозор мослашувини тезлаштирувчи жараёнлар ўрганилиб ва уларни эконометрик моделларини ишлаб чиқишнинг услубий асослари тадқиқ этилган.

Бозор иқтисодиёти ҳўжалик фаолиятининг асосий субъектлари бўлиб уй ҳўжаликлари, бизнес ташкилотлари ва давлат ҳисобланади. Уй ҳўжаликлари бизнес ташкилотлари томонидан ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилади. Ўз навбатида давлат институтлари ва бизнес ташкилотлари, оила аъзоларининг тадбиркорлик (ишбилармонлик) фаоллигини таъминловчи тузилмавий ташкилотлар ҳисобланади. Айнан ана шу фаолият (тадбиркорлик) натижасида бизнес эгалари - уй ҳўжаликлари даромад (фойда) оладилар. Бизнес корхоналарининг фаолият кўрсатиш механизмига давлат ва унинг ташкилотлари турли хил усуллар билан таъсир кўрсатиб туради. Улар қаторига имтиёзли солиқлар, ҳуқуқий кафолатлар, ресурслар бозорига киришни осонлаштириш, маркетинг, ахборотлар хизматларини кўрсатиш, маҳсулотларни тўсиқларсиз бозорларга чиқариш, имтиёзли кредитлар олиш ва бошқалар киради (1-расм). Шулар билан бирга кичик корхоналарни рағбатлантирувчи асосий механизм талаб ва таклиф ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, таклиф ва талаб мувозанатини таҳлил қилиш, корхоналарнинг фаолият кўрсатиш механизмини аниқроқ тасвишлаб беради.

<sup>4</sup> Основные показатели социально-экономического развития Республики Узбекистан за 2001 г. -Т.: Минмакроэконом. стат. 2002.





1-расм. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолияти самардорлигини белгиловчи тадбиркорлик муҳити

Талаб ва таклиф мувозанатига жуда кўплаб омиллар таъсир кўрсатиб, уларнинг ўзгариши эса талаб ва таклиф чизикларининг силжишига олиб келади. Талабга нархдан бошқа барча таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олашган бўлсак, кўп омилли талаб функцияси қуйидагича ёзилади:

$$Q^D = f(P, R, Z, P_y, P_{\text{ком}}, N, B) \quad (1)$$

бу ерда  $Q^D$  - талаб;  $P$  - товар нархи;  $R$  - даромад;  $Z$  - истеъмолчи диди;  $P_y$  - ўрнини босувчи товарлар нархи;  $P_{\text{ком}}$  - комплектаги кирувчи товарлар нархи;  $N$  - харидорлар сони;  $B$  - бошқа омиллар.

Ушбу кўп омилли талаб функцияси ёрдамида, талаб миқдорининг унга таъсир қилувчи омиллар (ёки бир қатор омиллар таъсири ўзгармас бўлганда қолган омиллар) таъсири бўйича ўзгариш қонуниятларини таҳлил қилиш мумкин.

Диссертацияда талаб қонуни бўйича нархдан бошқа омиллар таъсири ўзгармаганда, нархнинг ўсиши билан талаб миқдори камайиб бориш функцияси, таклиф функцияси бир бирлик товар нархи  $P$  бўлганда товар сотувчилар максимал даражада товар таклиф қилишини кўрсатувчи таклиф функцияси берилган.

Таклиф миқдори нархдан ташқари бошқа омилларга ҳам боғлиқдир:

- ишлаб чиқариш технологияси (технология даражасининг ўсиши, таклиф чизигини ўннга силжитади, нима учун деганда, янги технология ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради ва ишлаб чиқарувчи берилган нархда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади);

- ресурслар нархи (ресурслар нархи ошганда, ишлаб чиқариш харажатлари ошади, натижада берилган нархда ишлаб чиқарувчи камроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, таклиф қилади, натижада таклиф чизиги чапга силжийди, ресурслар нархи камайганда, юқоридаги ҳолатнинг акси бўлади, яъни таклиф ошади, натижада таклиф чизиги ўннга силжийди);

- ушбу маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар сони ошганда (ишлаб чиқарувчилар сонининг ошиши, умумий таклиф чизигини ўннга силжитади);

- солиқлар ва дотациялар (солиқнинг ортиши натижасида, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори камаяди, шу сабабли таклиф чизиги чапга силжийди; дотация берилганда юқоридагининг акси бўлади, яъни таклиф чизиги ўннга силжийди).

Унда кўп омилли таклиф функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Q^S = \phi(P, T, P_p, C, D, N, B), \quad (2)$$

бу ерда  $Q^S$  - таклиф миқдори;  $P$  - товар нархи;  $T$  - технология даражаси;  $P_p$  - ресурслар нархи;  $C$  - солиқ ставкаси;  $D$  - дотация миқдори;  $N$  - ишлаб чиқарувчилар сони;  $B$  - бошқа омиллар.

Юқорида келтирилган модел статик бўлиб, у маълум вақт оралиғини олади (масалан, у бир ойга, бир йилга тенг бўлиши мумкин). Моделда талаб,

таклиф ва нархларнинг боғлиқликларини вақт ўзгариши билан боғласак, модел динамик модел кўринишига эга бўлади.

Шундай қилиб, бозор иктисодиёти шароитида талаб ва таклиф кичик ва ўрта бизнес корхоналарини самарали фаолият олиб боришга ундайдиган механизм сифатида намоён бўлди. Агарда корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бозор талабларига тўлиқ жавоб берса, демак корхонанинг ушбу маҳсулотларни сотишдан оладиган даромадлари ўсиб боради ва корхона кўшимча кенгайиш имкониятларига эга бўлади. Иккинчи томондан, товарларнинг нархи ишлаб чиқарувчиларга бозорда бўладиган ўзгаришлар тўғрисида сигнал бўлиб хизмат қилади. Товарларнинг бозордаги нархлари ошиши билан ишлаб чиқарувчиларда рағбат пайдо бўлади ва улар бозорга кўплаб маҳсулотлар чиқара бошлайдилар.

Шуларни ҳисобга олиб диссертацияда кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолияти кўрсаткичларини эконометрик моделлаштиришнинг услубий асослари тадқиқ қилинган ва улар ривожланишининг моделлари ишлаб чиқилган. Бунинг учун иктисодий жараёнларни моделлаштириш усуллари ва унда қўлланиладиган ёнлашувлар, моделлар таҳлил қилинган ва уларни кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини тизимли ўрганиш ва ривожланишидаги аҳамияти очиб берилган.

Диссертацияда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқариш, меҳнат ва моддий ресурслар миқдорларини ҳамда фойда ва харажатлар ҳажмини моделлаштириш усуллари ва уларга мос ишлаб чиқариш функциялари тузилган.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш вақтида турли хил ресурслар, технологиялар, ишчи кучи ва бошқа ресурсларни жалб этадилар. Ушбу корхоналар ўзларининг мақсадаларига қараб узок ва қисқа муддатли ораликларда фаолият кўрсатадилар. Қисқа муддатли ораликда корхона ишлаб чиқариш кувватини ўзгартира олмайди, лекин ундан фойдаланишни интенсивлаштириши мумкин. Узок муддатли ораликда ишлаб чиқариш куввати ҳам ўзгаради. Албатта узок ва қисқа муддатли ораликлар, ҳар хил маҳсулотлар учун турлича бўлиши мумкин. Шу даврларда корхоналарнинг асосий мақсади фойданинг энг катта ҳажмига эришишдан иборатдир. Умумий ҳолда фойда ялпи даромаддан умумий харажатларни айириш орқали топилади.

$$\pi = TR - TC, \quad (3)$$

бу ерда  $\pi$  - фойда;  $TR$  - умумий даромад;  $TC$  - умумий харажат.

Шундан келиб чикиб диссертацияда кичик ва ўрта бизнес корхоналарида фойда, харажатлар ва оптимал ишлаб чиқариш миқдорини моделлаштириш усули таклиф этилган.

Ишлаб чиқариш - бу керакли маҳсулотларни тайёрлаш учун ишчи кучидан, ускуна ва технологиядан, табиий ресурслардан ҳамда материаллардан маълум миқдордаги комбинацияда фойдаланиш жараёнидир. Уларни йириклашган уч гуруҳга бўлиш қабул қилинган: меҳнат, капитал ва материаллар.

Бундай омиллар биргаликда олиб қараладиган бўлса, улар ишлаб чиқариш функцияси орқали ифодалангани ва ишлаб чиқариш функцияси бозор иқтисодиёти шароитида кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг чегараланган ресурслардан қай даражада фойдаланаётганлигини таҳлил қилишга имкон беради. Агар омиллар мажмуаси капитал сарфи, меҳнат ва материаллардан иборат бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидаги кўринишида бўлиши мумкин:

$$Q = f(K, L, M), \quad (4)$$

бу ерда  $Q$  - берилган технологияда энг кўп ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори;  $K$  - капитал;  $L$  - меҳнат;  $M$  - материаллар.

Агар ишлаб чиқариш функцияси иккита,  $K$  (капитал) ва  $L$  (меҳнат) омилларига боғлиқ бўлса, ишлаб чиқариш функцияси қуйидагича ёзилади:

$$Q = f(K, L). \quad (5)$$

Ушбу функцияда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми иккита ишлаб чиқариш омилга боғлиқ - капитал ва меҳнатга. Масалан, ишлаб чиқариш функцияси ёрдамида нон ишлаб чиқариш комбинатида меҳнат ресурсларидан ва капиталдан фойдаланган ҳолда қанча нон маҳсулотини ишлаб чиқариш мумкинлигини ифодалаш мумкин, ёки кишлоқ хўжалик корхонасининг берилган меҳнат ресурсларидан ва техникадан (ишчиларнинг фонд билан қуролланганлик даражасида) фойдаланган ҳолда маълум вақт оралиғида қанча маҳсулот ишлаб чиқаришини ифодалаш мумкин.

Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпроқ қўл меҳнатига асосланган бўлса (масалан, нон қўл меҳнати асосида ишлаб чиқарилса), у ҳолда ишлаб чиқариш функциясини фақат сарфланган меҳнатга боғлиқ равишда ёзиш мумкин:  $Q = f(L)$ . Агар маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпроқ капитал иштирок этса, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш юқори капитал сифмига эга бўлса, ишлаб чиқариш функциясини  $Q = F(K)$  кўринишида ёзиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, (4) ва (5) тенгламалар ишлаб чиқаришнинг маълум технологиясида қўлланилиши мумкин. Агар технология ўзгарса, яъни янги технология қўлланса, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ресурслар ҳажми ўзгармаганда ҳам ўсиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб диссертацияда кичик корхоналарда ишлаб чиқариш меҳнат ва капитал сарфига, меҳнат сарфи ўзгармас бўлиб, у фақат капитал сарфига боғлиқ бўлган ҳамда технологиялар такомиллашувининг ишлаб чиқариш ҳажмларига таъсирини моделлаштириш усуллари асосланган ва улар нон маҳсулотлари, меҳнат ва бошқа турдаги ишлаб чиқаришларнинг оптимал ҳажмларини аниқлаш орқали синаб кўрилган.

Илмий ишда Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг ус- тивор йўналишларини башорат қилиш учун унинг ҳозирги ҳолати ва ушбу жараёнга таъсир этувчи асосий омиллар таҳлил қилинган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнес корхоналари сонининг ортишига инвестициялар, давлатнинг қўллаб-қувватлаш дастури, бозордаги талаб, ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотнинг баҳоси каби омиллар кўпроқ таъсир кўрсатади. Инвестицияларга эса банкнинг фоиз ставкаси тескари таъсир кўрсатар экан, яъни банкнинг фоиз ставкаси қанчалик паст бўлса, тадбиркорлар банклардан инвестиция ресурсларини шунчалик кўпроқ олиб, ўзларининг тадбиркорлик голярини амалга ошириш имконига эга бўлади .

Республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида миллий иқтисоднинг барча тармоқларида кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари вужудга келмоқда. Ушбу корхоналар аҳоли даромадларини ошириш билан уларнинг бандлигини таъминлашда, ички истеъмол бозорини зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда, иқтисодий ўсишни таъминлашда муҳим рол ўйнамоқдалар. Шуларни ҳисобга олиб, диссертацияда кичик ва ўрта бизнеснинг устивор йўналишлари бўлган корхоналар сонини ошириш, иқтисодий рақобатни таъминлаш, бу соҳага инвестицион ресурсларни жалб қилиш, турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш (хизматларни кўрсатиш) республикамыз ялпи ички маҳсулоти таркибида уларнинг улушини ошириш каби кўрсаткичларни башорат қилишнинг эконометрик моделлари ишлаб чиқилган.

Эконометрик моделлар қуйидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади:

$Y_1$  - кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони, (минг бирлик);

$Y_2$  - кичик ва ўрта бизнес корхоналари ялпи маҳсулоти, (млн. сўм);

$Y_3$  - кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг асосий фондлари қиймати, (млн. сўм);

$Y_4$  - кичик ва ўрта бизнес корхоналаридаги ишловчилар сони, (минг киши);

$I$  - кичик ва ўрта бизнесга ажратилаётган умумий инвестициялар, (млн. сўм);

$t$  - вақт омили.

Ушбу омиллар кичик ва ўрта бизнес корхоналари бўйича олинган маълумотлар асосида чуқур иқтисодий ва математик таҳлил қилинган ва маҳсус TSP компьютернинг амалий дастури ёрдамида қуйидаги эконометрик моделлар тизими асосланди.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг умумий сони бўйича ( $Y_1$ ), асосан ушбу мақсадларга ажратилаётган кредит маблағлари ҳамда вақтга боғлиқдир:

$$Y_1 = -3,69129 + 8,873 \cdot t - 0,9615 \cdot I. \quad (6)$$

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ялпи маҳсулоти ( $Y_2$ , млн. сўм), корхоналар сони, асосий фондлар, улардаги ишловчилар сонига боғлиқ ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$Y_2 = -31,8155 + 0,096429 \cdot Y_1 + 0,624 \cdot Y_3 + 0,026785 \cdot Y_4. \quad (7)$$

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг асосий фондлари қиймати, ( $Y_3$ , млн. сўм), инвестициялар хажмига боғлиқ ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$Y_3 = 61,9962 + 2,533223 \cdot I. \quad (8)$$

Кичик ва ўрта бизнес корхоналаридаги ишловчилар сони, ( $Y_4$ , минг киши), корхоналар сони инвестициялар ҳамда мавжуд асосий фондлар ҳажмига боғлиқ ва у қуйидагича фойдаланади:


$$Y_4 = 78,52362 + 1,594232 \cdot Y_1 + 0,30339 \cdot Y_3 - 0,17156 \cdot I. \quad (9)$$

$Y_1$  - модели учун регрессия статистикаси коэффицентлари  $R = 0.994$ ;  $R^2 = 0.998$ ; меъёрий  $R^2 = 0.985$ ; Дарбин-Уотсон мезони 6.499;  $F = 304.7$  га тенг. Омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффицентлари эса қуйидагича:

Жадвал-1

	t - вақт	I - инвестициялар	$Y_1$ - корхоналар сони
t - вақт	1		
I - инвестициялар	0.953485	1	
$Y_1$ - корхоналар сони	0.972673	0.865246717	1

$Y_1$  - модели асосида кичик ва ўрта корхоналар сонининг башорати графиги қуйидаги 2-расмда келтирилган:




2-расм.

$Y_2$  - модели учун кўпликда  $R = 0.954$ ;  $R^2 = 0.911$ ; меъёрий  $R^2 = 0.856$ ; Дарбин-Уотсон мезони 9.331;  $F = 40.7$  га тенг. Омиллар орасидаги корреляция коэффицентлари қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал-2


	$Y_2$ - и/ч маҳсулот микдори, млн. сўм	$Y_1$ - корхоналар сони, мингта	$Y_3$ - асосий фондлар қиймати, млн. сўм	$Y_4$ - ишловчилар сони, мингта
$Y_2$ - и/ч маҳсулот микдори, млн. сўм	1			
$Y_1$ - корхоналар сони, мингта	0.836551716	1		
$Y_3$ - асосий фондлар қиймати, млн. сўм	0.953038503	0.846847157	1	
$Y_4$ - ишловчилар сони, мингта	0.772762347	0.852663712	0.776828108	1

$Y_2$  - модели асосида кичик ва ўрта корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш башорати графиги қуйидаги 3-расмда келтирилган:



3-расм.

$Y_4$ -модели асосида кичик ва ўрта корхоналарда ишловчилар сонининг башорати графиги қуйидаги 4-расмда берилган:



4-расм.

Кўпликдаги R, R-квадрат, Дарбин-Уотсон мезони, стандарт хатолик ҳамда Фишернинг F мезони коэффициентлари моделларга киритилган омиллар билан натижавий кўрсаткичлар орасидаги боғлиқликлар узвий эканлигини кўрсатди.

Ушбу моделлар асосида республикада кичик ва ўрта бизнес ривожланиш истикболлари башорати натижалари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

Ўзбекистон Республикасида 2002-2005 йилларда кичик ва ўрта бизнес ривожланишининг асосий кўрсаткичлари башорати

Йиллар	I - ажратилган инвестициялар, млн. сўм	Y <sub>1</sub> - корхоналар сони, мингта	Y <sub>2</sub> -и/ч маҳсулот миқдори, млн. сўм	Y <sub>3</sub> - асосий фондлар қиймати, млн. сўм	Y <sub>4</sub> -ишловчилар сони, минг киши
1992*	4563	20105	19183	67125	110.45
1993*	9124	46577	28397	82344	163.12
1994*	7344	72314	40119	102375	220.17
1995*	12186	101241	52331	94163	422.80
1996*	20617	127654	68805	110541	245.24
1997*	32315	130172	89683	153200	249.09
1998*	58451	142714	101427	188617	364.78
1999*	74338	165645	114180	223155	392.31
2000*	91845	159719	147728	307155	411.65
2001*	107321	201962	260384	350425	475.25
2002	108121	209954	344968	335890	496.59
2003	120177	227234	377010	366432	531.34
2004	132234	244515	409052	396974	566.09
2005	144290	261795	441094	427516	600.84

\* Манба: Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги маълумотлари, Тошкент, 2002

Башорат натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 2005 йилда кичик ва ўрта бизнес корхоналари сони 2001 йилдаги ҳақиқий ўсишга солиштирилганда қарийб 30 фоизга кўпайиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 69,4 фоизга, ишловчилар сони бунда 26,4 фоизга ошиши кутилади. Бундай жараёнларга жалб этиладиган инвестициялар ҳажми 36,9 млрд сўмга ошиши лозим бўлади.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш истикболларини амалга оширишдаги чора-тадбирлар мамлакат миқёсида бажарилиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорларга тижорат банклари, чет эл сармоялари, махсус фондлар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан кредит ресурслари беришни янада соддалаштириш ҳамда лизинг хизматидан фойдаланишни кенгайтириш керак. Иккинчидан, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш фаолиятига четдан бўладиган аралашувларни, турли хил назоратларни ва текширувларни камайитириш лозим. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун яна бир муҳим манба - ахборот ресурсларига бўлган талабларини имкони борича тўлиқроқ таъминлаш керак. Кўпчилик кичик ва ўрта биз-



нес субъектлари ички ва ташқи бозор конъюнктураси тўғрисида тулик маълумотга эга эмаслар. Ушбу масалани ҳал этиш учун ҳозир фаолият курсатаётган мониторинг тизимини бозорлар ҳақидаги маълумотлар базасини ташкил этиш ҳисобига кенгайтириш зарур.

Республикамызда ташкил этилаётган кўплаб кичик ва ўрта бизнес корхоналари раҳбарлари етарли даражада ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни тушуниб олишлари учун махсус ҳуқуқий ёрдамларни ташкил этиш ва амалга ошириш лозим. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспортга чиқаришга ҳар томонлама кўмаклашиш ва уларни рағбатлантириш лозим. Бу ишларни хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган вositачи ташкилотлар ва фирмалар орқали амалга ошириш мумкин. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари бошқарув аппарати, ишловчиларини турли хил касб ва малака ошириш институтларида ўқитиш зарур. Чунки бозор муносабатлари шароитида тadbиркорлар учун биргина тажрибанинг ўзи етарли эмас. Баъзи ҳолларда тезкор қарорларни қабул қилишда илмий асосланган, ноанъанавий ёндашувлар лозим бўлади.

Республикамызда кичик ва ўрта бизнес қўл меҳнати кўп талаб қилинадиган, айниқса кишлоқ хўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳозирги пайтда республикамызда кичик ва ўрта бизнес ўзининг эволюцион ривожланиш босқичида турибди, яъни анъанавий турдаги кичик корхоналар ўрнига замонавий технологияларга эга бўлган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш лозим. Бундай корхоналар тармоқда фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи корхоналар жумласига киради.

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган ушбу чора-тадбирлар пировард натижада ўзининг ижобий самараларини беради. Ушбу самаралар куйидаги кўрсаткичлар орқали намоён бўлади: кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши бозорда рақобат муҳитини келтириб чиқаради; ички бозорда харидорлар эҳтиёжларини қондирувчи товарлар ва хизматлар пайдо бўлади ва маҳаллий истеъмолчиларнинг республикамызда ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган талаби шакллана боради; маҳаллий кичик ва ўрта бизнес корхоналари ишлаб чиқарган товарлар истеъмолчилар эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки хорижий мамлакатлардан импорт қилиб олинadиган товарларни камайитиришга олиб келади, бу эса ўз навбатида товарларни импорт қилиш учун кетадиган валюта маблағларини тежаш имконини беради; кичик ва ўрта бизнес корхоналари сонининг ортиши кенг қўламликнинг самарасини келтириб чиқаради, яъни корхоналар сони қанчалик ортиб борса, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори ҳам шунчалик ортиб боради.

Хулоса қилиб яна шуни айтиш лозимки, республикамызда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланишини қўллаб қувватлаш мамлакат иқтисодий ўсишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш даражасининг асосий кўрсаткичи бўлган - аҳоли жон бошига тўғри келадиغان ялпи

ички маҳсулотни кўпайишига олиб келади ва республикамизни дунёдаги ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқади.

Изданиш натижаларидан келиб чиққан хулоса ва таклифлар илмий ишнинг якуний қисмида батафсил ифодаланган.

**Илмий ишнинг асосий мазмуни муаллифнинг куйидаги илмий ишларида чоп этилган.**

1\*. Информационно-коммуникационные технологии в процессе принятия решений. // Экономическая наука на рубеже XXI века. Сборник научных статей. -М.: 2000. -с.6-13.

2. Истикболли компьютер технологияларини йўлга қўйиш. - Т.: /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, №4, 2000. 18-20 бетлар.

3. Кичик ва ўрта бизнес ривожланишидаги асосий муаммолар. - Т.: / «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», №4-5, 2001, Тошкент, 54 бет.

4. Кичик ва ўрта бизнеснинг устивор йўналишлари. -Т.: / «Бозор, пул ва кредит». №5, 2001, Тошкент, 48-49 бетлар.

5. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа. -Т., / «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси», № 3, 2002, Тошкент, 12-13 бетлар.

6. Малый бизнес и экономический рост. -Т.: // «Иқтисод ва таълим», №3, 2002, Тошкент.

7\*. Экономические проблемы предпринимательства и пути их решения. -М.: Изд. Российской экономической академии. 2002, с. 204-206.

8\*. Важный стержень экономических преобразований. //Экспорт плодово-овощной продукции дехканских и фермерских хозяйств в Узбекистане: достигнутые результаты и перспективы развития. Тез. докл. Науч. Кон. -Т.: 2002. -с. 120-122.

---

\*) Хаммуаллифликда.

**Основное содержание диссертационной работы О.К.Рихсимбаева:  
«Эконометрическое прогнозирование приоритетных направлений  
малого и среднего бизнеса в Республике Узбекистан»  
по специальности 08.00.06 - «Эконометрика и статистика»**

Переход к рыночным отношениям требует многообразия форм собственности в отраслях национальной экономики. В Республике Узбекистан основное внимание уделяется развитию малого и среднего бизнеса. Данная сфера является наиболее гибкой по сравнению к крупным предприятиям. Здесь производится необходимый объем товаров и услуг для внутреннего рынка, обеспечивается занятость населения и экономический рост. Поэтому эконометрическое моделирование приоритетных направлений малого и среднего бизнеса является важнейшим условием развития этой сферы предпринимательства.

Целью диссертационной работы является разработка научно-методической основы эконометрического моделирования деятельности предприятий малого и среднего бизнеса и прогнозирование приоритетных направлений развития предпринимательства в Узбекистане.

Для реализации этой цели решены следующие задачи:

- исследование научно-методических и экономических основ формирования и развития малого и среднего бизнеса как одной из форм частного предпринимательства;
- обоснование задач повышения эффективности и методов моделирования деятельности малых и средних предприятий;
- разработка эконометрических моделей определения оптимальных объемов производства и использование соответствующих ресурсов в малых предприятиях;
- проведен анализ современного состояния развития малого и среднего бизнеса, прогнозирование его приоритетных направлений и разработка рекомендаций по осуществлению этих мероприятий.

Научная новизна диссертационного исследования заключается в следующем:

- дана оценка предпринимательской среды в формировании и развитии малого и среднего бизнеса, частного предпринимательства и активизирующим ее факторам в условиях либерализации национальной экономики;
- обоснованы методы эконометрического моделирования развития малых и средних предприятий, функционирующих в разных отраслях национальной экономики;
- разработана система эконометрических моделей обоснования оптимальных объемов производства и использования ресурсов малых и средних предприятий, с учетом факторов предпринимательской среды и рыночного механизма;
- на основе эконометрических моделей спрогнозированы приоритетные направления развития малого и среднего бизнеса в Узбекистане и обоснованы практические меры по их осуществлению.

Практическая значимость полученных результатов заключается в использовании разработанного комплекса эконометрических моделей при анализе, прогнозировании деятельности различных предприятий малого и среднего бизнеса, а также в создании информационной базы и компьютерных систем для проведения маркетинговых исследований.

**The basic contents of the dissertation work by Rykhsymbaev O.K.  
on the theme: "Econometric forecasting of priority directions  
of small and medium business in the Republic of Uzbekistan"  
speciality 08.00.06 - «Econometrics and statistics»**

The transition to the market economy requires a variety of patterns of ownership in branches of market economy. Today, it is given the basic attention to the development of small and medium business in the Republic of Uzbekistan. Because, this sphere is much more flexible than large enterprises. Here, is made a necessary volume of goods and services for a home market, the employment of the population and economic growth is provided. Econometric modeling of priority directions of small and medium business is a major condition of development of this sphere of business.

The purpose of the dissertation work is developing the scientific - methodical bases of econometric modeling of small and medium business's activity and forecasting of the business development perspectives in Uzbekistan.

For realization of this purpose, it is stipulated solving of the following tasks:

- researching of the scientific - methodical and economic bases of formation and development of small and medium business as one of the forms of private business;

- substantiation the methods of tasks on increasing of efficiency and modeling of the small and medium enterprises' activity;

- development the econometric models of definition of optimal production volumes and using the appropriate resources in the small enterprises;

- Estimation a modern condition of small and medium business development, forecasting its perspective directions and development the recommendations on realization of these measures.

The scientific newness of the research consists in the following:

- estimated small and medium business formulation and development environment and the factors of its activation in the economic liberalization;

- based the methods of the econometric modeling of development of the small and medium enterprises which are functioning in various branches of economy;

- development the system of the econometric models of production and using resources optimal volumes representing business environment of small and medium enterprises and market changes;

- given forecasting priority directions of small and medium business development in Uzbekistan based on econometric models, and based the practical measures of its realization

The practical importance of the received results consists of in the using the developed complex of econometric models in increasing efficiency, analysis, forecasting of small and medium business activity in various branches of a national economy, and in creation of information base of computer systems of marketing researches realization as well.

Қоғоз бичими	1,2 б.т.
Босишга рухсат этилди	10.06.2002 й.
Тиражи	100 нуска
Буюртма №	089

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети  
«TALABA» янги ахборот технологиялари марказининг  
**RISO™** нуска кўпайтириш техникосида чоп этилди

Тошкент, Ўзбекистон шаҳрчаси, 49 уй